

# МУСТАҚИЛЛИК ХУҚУҚ ДЕМАҚДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Энг катта орзум - менга ишонган одамларнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги!

Ислом КАРИМОВ.

• Республика прокуратурасида

• Муносабат

# ТУБ ЎЗГАРИШЛАР

# ЗАРУРАТИ

27 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг навбатдаги хайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Азимжон Эргашев Республика Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1998 йил якунлари ва 1999 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқи асосида прокуратура идораларининг ўтган йилги иш якунлари ва қонун устуворлигини, фуқароларнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган вазибалари ҳақида маъруза қилди.



Жамиятимиз ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдевори ҳисобланган қонунлар яратиш давридан бу қонунларга сўзсиз амал қилиш устувор бўлган фуқаролик жамияти барпо этишнинг навбатдаги муҳим босқичига қадам қўймоқда. Бу жамиятда инсон ҳар қадамда қонунга рўбарў келсоди, қонун билан нафасолади ва ҳаёт кечиради.

Хўш, бундай шароитда қонун ҳимоячилари, фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг посбонлари бўлиши прокуратура ходимлари нимага аҳамият беришлари

ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда ҳали ечимини тўлиқ топмаган, бевосита бизнинг фаолиятимиз билан боғлиқ масалаларни ҳам таъкидлаб қўрилган эди.

Хусусан, ўзаро тўловларни

прокурорлик назорати бўшатириб юборилган.

Ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақидан қарздорлик, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш, иқтисодий жиноятларни бартараф этишга қаратилган тодбирлар етарли самара бермаётир.

Утган йили республика бўйича умумий жиноятларнинг 2,9 фоизга ўсганлиги ҳар биримизни ҳушёр тортириши керак.

Бу ҳолат муқаддам судланганлар, гуруҳлар ва ишламайдиغانлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг республика миқёсида кўпайганлиги билан узвий боғлиқдир. Маърузачи бунинг сабаблари, терговни ташкил этиш, судларда қўрилоётган ишларда прокурор ваколатини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишининг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш, вояга етмаганлар ва ўсмирлар ўртасида жиноятлар содир этишнинг олдини олиш,

(Давоми 2-бетда).



Суратда: хайъат йиғилишидан лавҳалар.

керак? Президентимиз Ислом Каримов Халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари ёссияларида сўзлаган нутқларида ислохотларга тўғонак бўлаётган иллатларни танқид қилиб, жумладан, прокуратура фаолиятига билдирган эътирозлари ишимизда қўллаб қамчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонни

намунали йўлга қўйиш, дебитор ва кредитор қарзларни қаматириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, солиқ тўловларини тўғри ташкил этишдаги ҳамда боғжона идоралари фаолиятида қонун бузилишларига нисбатан прокурорлик таъсир чоралари етарли эмас.

Экспорт шартномалари ва бартер контрактлари бўйича валюта тушумлари ҳамда маҳсулот қийматларида кўп миқдорда қарздорлик бўлишига қарамай,

«Феврал воқеалари» мақоласи эълон қилинган «Халқ сўзи» газетасининг 27 феврал сони бугун қўлма-қўл бўлиб кетди. Уни ҳар бир ватандошимиз гоёт катта қизиқиш ва синчковлик билан ўқиб чиқмоқда. Бунинг сабабини тушуниш қийин эмас. Тошкентда 16 феврал куни рўй берган ёвуз кўпоровчилик ҳаракатлари ортида кимлар турибди, уларнинг кўзлаган мақсади нима эди, деган жумбоқли саволлар қону-тун ҳар биримизни ташвишлантираётди. Ушбу мақолани ўқиб, мустақиллигимиз, ҳавфсизлигимиз ва осийишталигимизни кўра олмаётган қабиҳ ниятли кимсалар кимлигини билиб олди.

Бугун ўза юртларда ватангадо бўлиб оғиз-бурун ўпишиб юрган бир ҳовуч сохта демократлар, амалпарастлар Тошкент воқеалари муносабати билан турли уйдирмалар тўкиб, ифвогарликни авж олдиришмоқдалар. Четда туриб Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилапти, деб аюҳаннос солаётган сохта демократларга жавобан мақолада келтирилган қуйидаги сўзларнинг асл ҳақиқат эканлигини ҳар биримиз кўриб, билиб турибмиз: «Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи, кадр-қиммати демократик қонунлар асосида қаролатилган». Мақолада таъкидланганидек, шўро давлатида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар - суд, прокуратура, ички ишлар тизими қаттол ва бешафқат жазо қуроли, одамларга тазийқ ўтказувчи, зўравонлик қилувчи восита бўлган бўлса, бугунги кунда моҳиятан энг аввало, фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи маҳкамга айланиб бермоқда. Оммабоп «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетасининг муассиси - Республика

## «ФЕВРАЛЬ ВОҚЕАЛАРИ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

прокуратурасининг мустақиллик туфайли ўз фаолиятига ошқоралик бериб, ҳар қадамда фуқароларга пешвоз чиқиш йўлидан бораётгани бунга ёрқин мисолдир. Ватанини сотган диёнатсиз кимсалар тўхматлари замирида дохийпарастлик, сохта обрў орттиришдек қора ниятлари ётанлиги сир бўлмай қолди. Аммо улар ҳамтама бўлмай қўяқолсинлар: бугун Ўзбекистон халқининг тоғдек сунячини бўлган ўз Президенти, ўз миллий истиқлол ғояси бор. Иродоси мустаҳкам, озодлик нелигини англаб етган халқни энди бу йўлдан қайтариб бўлмайди.

Мустақиллик йилларида қўлга киритган мисли кўрилмаган ютуқларимизни кўра олмаётган, Президентимизнинг оқилона сиёсатига бўҳтон тошлари отаётган ғоявий ганимларга зорба бериш учун олдимизда битта йўл турибди - у ҳам бўлса, Президентимиз теваригида, миллий истиқлол ғояси теваригида янада маҳкам жислалошмоғимиз, қора кучлар йўлига метин иродосини қарши қўймоғимиз зарур. Тахририятимизга келаётган кўп қўл мақбуларнинг муаллифлари истиқлол йўлимиз, Президент сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини очик баён этмоқдалар ва айна пайтда Ватанимиз келажаги бўлган ёш авлони ҳар қандай қора кучлар таъсиридан сақлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифа, деган яқдид фикрни уқтирмоқдалар.

«Биз ёшларимизни ҳеч кимга бермаймиз». Президентимизнинг бу гаплари нафақат давлат, балки бугунги кунимизнинг энг муҳим вазифаси ҳамдир. Ёшларга оид давлат сиёсатини, миллий кадрлар тайёрлаш дастурини ҳаётга қатъий билан тадбиқ қилиш йўлидан тадил олға юраверайлик. Бу ишда қорғозбозлик, қуруқ дабдабозликка йўл қўйиб бўлмайди. Давр шиддати биздан фидойиликни, амалий натижаларга эришишни талаб қилади. Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги қуруқнинг қизгин даврида яшаётганлигимизни ҳар дақиқа ҳис этиб турмоғимиз лозим. Зотан, улғў мақсадларимиз йўлига, келажагимизга раҳна солишга пайт пойлаб турган ички ва ташқи ганимлар бор экан, бир ҳушёрликни унутмайлик. Президентимиз қайта-қайта уқтираётганидек, мустақиллик ва миллий ғоя йўлида бир жон, бир тан бўлайлик, ҳушёр ва оғоҳ бўлайлик!

Б.НАЗАРОВ, журналист.

8 МАРТ - ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА  
БАҒИШЛАНГАН МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ГАЗЕТАМИЗНИНГ  
ИЧКИ БЕТЛАРИДА ТАНИШАСИЗ



# ОНАСИ

Аблаҳларни тутдингларми, сен ҳам ҳароқат қилаясанми, деб. У жиноятчилар албатта жазосини олади. Учта болам қонун ҳимоячиси бўлганлигимга, бу соҳа вакилларининг ташвишларини яхши тушунаман. Неча-неча жиноятларни фош этган Ўзбекистоннинг ҳуқуқ посбонлари бу қабиҳликни тез орада фош этишлари аниқ. Бунда биз - уларнинг оналари, қолаверса мамлакатимизнинг барча оналари дуоларимизни аямаймиз...

... 63 йиллик умримда кўп нарсаларни кўрдим. Оталарим ўз замонасининг оқил ва бадавлат кишиларидан бўлишган. Камбағаллардан, бева-бечоралардан ёрдамларини аяшмаган. Бизни ҳам шу йўсунда тарбиялашган. Додам ҳиммат инсоннинг олий фазилати, дердилар. Аммо, қизиллар замонида кўп адолатсизликларга дуч келиб, маълум муддат қийинчиликда кун кечирдик... Энди у кунлар ҳам ортда қолди.

Мен сизга бир воқеани айтиб берай! Бахтиёрим ҳамшира мени прокурор бўлишимга сиз сабабчисиз, деб юради. Унда болаларим жуда ёш эди. Бахтиёр 4-5 ёшлардаги болакай эди. Отам колхозда бригадирми, бўлим бошлиғи билан келишолмай қолади. У адолат учун уйимизни бузаманга тушиб қолади. Уй бузилса, борадиган жой йўқ. Бир кунни булдозер келди. Ушонда дадам ҳамма болаларни олиб, «Олдин бизни йикит, кейин уйимизни йикитасан» деб туриб олганлар. Бахтиёр шу воқеанинг шохиди бўлган. Бу адолатсизликни мурғак юрагидан ўтказган. Шунда у уйга қайтиб келган, мандам сўраган эди. «Опа, нега бундай қилишди, бу уй бобонинг

уйи-ку. Уларнинг нима ҳаққи бор». «Бу уй бобонники, бизнинг ҳаққимиз, одам ўзининг ҳаққини бировга бермаслиги керак», тушунтиришга ҳароқат қилдим. «Ҳақ дегани нима?» - деб сўрайди болам. Униям бир норсалор деб тушунтиришга уриндим. Орадан йиллар ўтди. Бир куни Бахтиёр ўша воқеани эслатди. «Опа, энди мен ҳақ-ҳуқуқ нималигини биламан. Энди мен нафақат ўзимнинг, бошқаларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган бўламан» деди. Бир қувондим, бир қувондим.

Шахрияҳон ая кўз ёшларини секин артди.

- Болам, қани эди ҳамма ўз ҳақ-ҳуқуқини билса, ҳимоя қилса, чегарадан чиқмаса... Президентимизнинг ҳамма маърузаларини эшитиб бораман ва ишонманки, шу кунлар яқин қолди... Элликка яқин невараларим бор. Улар ҳам ўз ҳуқуқини биладиган замонда вояга етдилар, деб умид қиламан.

...Биз Тошкент вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси Бахтиёр Ҳасановнинг оналари Шахрияҳон ая Абдуллаева дил сўзларининг бир қисмини қозғаша туширдик, ҳалос. Шахрияҳон ая 10 фарзандига, 5 кувейи, 5 келини, 50 неваросига нимани раво кўрса, неки яхши ниятларни тиласа, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига шуни тилайди. Ишонамизки, Ўзбекистонимизда ҳамма прокурорлар оналарининг, жами оналаримизнинг эзгу тилақлари албатта ижобат топади. Шахрияҳон аяни, барча оналаримизни байрам билан чин кўнглидан кутлаймиз, умрлари боқий бўлишини тилаймиз.

Бозорбой УЛЛИБОБОВ  
сўхбатлашди.

## • Сехрингнинг боиси нимада, аёл?



### «ДИЛИНГ НОЗИК, ТИЛИНГ НОЗИК, ҚАДДИНГ НОЗИК...»

Аёл! Сени ожиза, заифа деганлар минг бора ҳақ. Бир оғизгина сўз зарбидан кўнглинг чил-чил синоди. Ҳулнинг шамоллидан-да кўзинг тинади. Битта михни-да қоқолмайсан, битта данакни-да қақолмайсан. Ҳатто жисм-жонингни бағишлаб, ўзинг дунёга келтирган фарзандингидан овоз чиқариб қойиб олмайсан. Жуфту ҳалолнинг, бош паноҳинг кўзларига тик қарай олмайсан. Дилингни нозик, тилингни нозик, қўлинг нозик, юрак йўлини нозик. Ҳолат нозиклигиндан бир қошиқ сув билан ютмоқчи ҳавос қиладилар. Шу ҳолингда тилларда афсона бўлган журъатларга қандай имкон топасан, аёл?

Демишларким, дорга тортилаётган ўли қошида айтиб-айтиб йиғлаган саксон эшлари онанинг кўкрак сўтидан этаклари ҳўл бўлган экан. (Усома ибн Мункиз. «Ибратли китоб» XIII аср).

Демишларким, озорчиликдан одамлар бир-бир қирилаётган дамда, ўн бир ёшли кенжа қизининг нолишларига чидай олмаган она қурган кўксини қизалоғи оғзига тутайди. Вожаб, сут келибди. Онанинг ранги кўн-қундан саргайиб борса-да, қиза-

лоқнинг ранги қизилла-ниб бормиш. Очликнинг ҳукми - ўлимдан онанинг меҳри зўрроқ келибди. Демишларким, «Жигули» автомашинаси шўх ўғлини босганини кўрган она жон ҳолатда машинанинг бир қанотини даст кўтарган экан. Демишларким, Соҳибқирон Амир Темур жангчилари ночор аҳволда қола бошлайди, заҳиралар тугайди.

Ҳар неча дедимки, кун-қундин ўзай сендин кўнгли, Ваҳки, кун-қундин батаррак ошно бўлдум санго», деб гўзал нолалар чекди. Сени деб Самад Вуруғ: «гар сендан тонар бўлсам, насобам оху зор ўлсин, Баҳорим қишга айлансин, чечаксиз бир диёр ўлсин, Чаманзорим, боғу боғчам тўқилсин, бари хор ўлсин, Мазорим ўт олиб ёнсин, бу ишким ошкор ўлсин!» деб қасам ичди. Сехрингни боиси нимада,

аёл? Эр ярим пир деб эгиласан, унинг чап қовурғасидан яраганингни шўкроналар айтасан. Аллим дейсан, мардам дейсан, бегим дейсан, эгам дейсан, эгилатуриб, сийнатуриб меҳринг қулига айлантурсан.

Сенинг кўксингга бош қуя-қуя гўдақлар йиғитга айланадилар. Сенинг меҳрингни туя-туя йиғитлар боҳодирга айланадилар. Сени сўя-сўя даҳога айланадилар. Сени деб қуя-қуя навқиронлик қудратларини хашф этдилар. Сенинг меҳринг уммонидан оғирлар куч оладилар. Сен борки, рўзгорлар оבוד, кўнглилар шод. Сен ҳаётнинг мувозанотисан, аёл!

Ҳазобларни қўшатасан, тезобларни секинлатасан, азобларни енгиллатасан, Мазоли тоғларни битмас ишларни пиширасан. Йиртилган қиймларни, дорз кетган кўнглиларни ямайсан. Нозик жисмингда гўдақ улғаяди. Улим ва ҳаёт ёнма-ён турган чоғга тушиб, кўлларингда фарзанд кўтариб омон чиқасан. Сехрингни боиси нимада аёл?!

Ҳосият БОБОМУРОВА,  
шоира,  
Самарқанд вилоят ёзувчилар  
уюшмаси масъул котиби.

# «БИЗНИНГ ГАВҲАР»

### дейишади уни барча ҳурмат қилиб



Истараси иссиқ, касб кийими жуссасига бақамти ярашиб турган бу аёл барчага бирдек муомала қилади. Каттани ҳурматлаб, кичикнинг иззотини жойига қўядиган бу опанинг хонасига кирган киши мийиғида жилмайиб чиқади. Шўх-шодон кайфият билан юрадиган Гавҳар опа Бобоҷонова мана қарийб 22 йилдан буён бир даргоҳда - Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси идорасида меҳнат қилиб келмоқда.

Унинг 1977 йил кузатида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси идорасига умумий назорат бўлими прокурори лавозимига ишга келганидан буён ордан қанча сувар оқиб ўтди. У шу давр ичида вояга етмаган ёшлар тўғрисидаги қонунлар бажарилишини назорат қилиш бўйича прокурорнинг катта ёрдамчиси, кадрлар бўйича прокурор ёрдамчиси вазифаларида ишлади. Анчадан бери Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг қонунларни муҳассамлаштириш ва ҳуқуқ-тарғибот бўйича катта ёрдамчиси бўлиб ишламоқда.

Гавҳар опанинг турмуш ўртоғи Раҳматулла ака Алеминов ҳам ҳуқуқшунос - Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Шириндан-шакор фарзандларни тарбиялаб, уларни камолга етказмоқдалар.

Прокуратуранинг сермашақат ишларидан ортиб, оила ташвиши-ю, фарзандлар тарбиясига қандай вақт топасиз, деган саволига Гавҳар опа мийиғида қулиб, «Излаган имкон топади. Эрталаб вақтларок туриб, кечкурун 1-2 соат кечроқ ётсангиз, ҳаммасига улғурасиз» деб жавоб беради. Ҳа, қалбида инсонларга бўлган меҳр балқ уриб турган бу аёлнинг тиниб-тинчимаслиги, ўзига бўлган талабчанлиги таҳсинга лойиқ. Унинг меҳнатлари муносиб боҳоланиб, «Ўзбекистон республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» унвонига сазовор бўлди.

А.ОРТИҚБОВ.



Наврўз тараддуди.

## • Мушоҳада

# ХАЛҚ ЛЕДАРИ БОШЛАЙДИ

Шарқ мумтоз шеърини намоёндалари аёл мавзусида кўп асарлар битганларки, бу бежиз эмас. Хусусан, Лайли, Ширин образлари ноёб асар саналмиш «Ҳамса»ларга ўзгача бир руҳ бахш этган. Баъзи фарб адабиётшунослари ўша ижод намуналарини «афсона, чўпчак» йўсинида баҳолаб, хатога йўл қўйишган. Негаки, зоҳиран ҳаёлий тўқималар шаклида кўринса-да асар ботинида шарқ аёллари юксак муҳаббат тимсоли сифатида васф этилгани аён бўлади. Шарқ мутафаккирлари, халқ аёлдан бошланади, деган фалсафани ўз асарларига сингдириб юборганлар. Уларнинг фикрича, Аллоҳ аёлзотига бемисол даражадаги гўзаллиқни, нафосату жозибани ато этган. Бинобарин, бу ёруғ дунё моҳияти ўша ҳусну малохатта интилишдан иборатдир. Бу тараздаги қарашлар аёлларга қўйилган исмларда ҳам ўз ифодасини топади: Дилором (дил ороми), Малика (дил подшоҳи), Моҳидил (кўнглининг тўлини оий), Латофат (латиф ва нафис) ва ҳоказо. Қизларга ноёб тоғилмаларнинг номи қўйилиши (масалан: Гавҳар, Маржон, Марварид, Олтин, Қумуш, Олмос) ҳам шу билан изоҳланади. Бу борада гул номиларидан фойдаланиш халқимизда урф-одатга айлангандир. (Масалан: Райхон, Лопа, Нилуфар...) Кўриниб турибдики, шарқ фалсафасида аёлга гўзал хилкат, кўнгли сарҳадларини безайдиган жозоба соҳибаси сифатида қаралган ва бу адабиётда, санъатда, шаҳарларга кўрк бахш этган обидаларда ўз ифодасини топганки, фарб ҳаёт тарзида бу қадар улкан муҳаббатни учратмоқ мушкул. Шу боис ўша қадриятлар асарларда аёлларга ўтиб келади, ўз қийматини сира йўқотмайди.

Аёл ардоқда бўлса кўнгли тинч, руҳ ҳаловатда. Дeyдиларки, Она дуоси хар нарсадан юксак. Шундай наҳл бор: бир пир хузурига келган муриднинг ғоят маънос ҳолда кўрибди. Маъносили боисини сўрабди. Мурид

(Давоми 4-бетда).

• Муносабат

# ХАЛҚ ИРОДАСИНИ БУКИБ БЎЛМАЙДИ

Мамлакатимиз транспорт ходимлари пойтахтимиз Тошкентда рўй берган муҳажир воқеалар ва уни амалга оширган ёвуз ниятли кимсаларнинг кирдикорларини қаҳру газаб билан қораламоқдалар.

Қалбларимизни ларзага солган Тошкентдаги 16 феврал воқеалари мустақил республикамиз тарихига муҳажир сана - қора кунлардан бири бўлиб киради. Чунки бу кун бир гуруҳ тубан кимсалар Президентимиз ҳаётига, не-не машаққатлар эвазига кўлга киритилган халқимиз озодлиги ва эркига ёвузларча таъжовуз қилдилар. Қабиҳ ниятли кўчаларнинг бу хуруж ноҳатино беғуноқ одамларнинг ҳаётига зомин бўлди, давлатимиз ва халқимизга каттагина моддий зарар етди. Аммо ганимлар ўз мақсадларига эриша олмадилар, уларнинг қора ниятлари саробга айланди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» компаниялари тасарруфидаги қорхона ва ташкилотлар, турли муассасалар ҳамда ўқув юртиларида ҳам йиғилишлар ўтказилиб, унда сўзга чиққан нотиклар ёвуз кўчаларнинг жirkanч кирдикорларини ғозаб билан қораладилар, Президентимиз олиб бораётган доно сиёсатни тўла қўллаб-қувватлашларини, ўзларининг келажакка бўлган катта ишончларини, ҳақ ва адолат йўлида керак бўлса жон фидо қилишга ҳам тайёр эканликларини боён қилдилар. Ўзбекистон транспорт прокуратураси ходимларининг МХХ, боҳжона кўмитаси билан ҳамкорликда «Тошкент» аэропорти юк-багаж мажмуаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг бош ўнчи мажмуаси, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» бирлашмаси, 2-вагон депоси, Бухоро ва Термиз темирйўл бўлимларида ўтказган сўхбатлари ҳаво йўллари ва темир йўллар компаниялари тизимидаги муҳим иншоотларнинг кўрикланиши устидан назоратни янада кучайтиришга қаратилди.

Юридагидек тезкор амалий тадбирлар Ховос, Фарғона ҳудудларида ва бошқа транспорт прокуратураларида ҳам олиб борилди. Транспортда ҳуқуқни муҳофаза этувчи тадбирлар, фуқаролар билан сўхбатлар ўтказилишда, автоуловларни объектлар ва бинолардан узоқроқ масофага қўйиш чоралари кўришмоқда.

Тошкентда юз берган террорчилик ҳаракатлари истиқлолимиз душманларининг ҳақиқий башарасини очиб ташлади. Халқ сесканди, ҳушёр тортиди. Кўзимизни гафлат ўйқуси босгонидан бироз афсусландик ҳам. Ҳаёт бизни яна бир бор имтиҳон қилиб кўрди.

«...Мустақиллик йўли, - деди Президентимиз, - фаровон ҳаётга эришиш йўли осон кечмайди. Буни яхши англамоғимиз лозим. Юртбошимиз ҳақ. У киши озодлигимизнинг илк кунлариданоқ барчамизни, бутун жаҳон жамоатчилигини рўй бериши мумкин бўлган ҳавф-хатар ва таҳдидлар тўғрисида огоҳлантириб, ҳушёрликка доъват этиб келдилар.

Терроризм, кўпбурвчилик, тинчлик, осойишталик, давлат мустақиллиги ва ҳавфсизлигига қарши уюштирилган жиноятдир. Бу жиноятлардан ососий мақсад - уруш чиқариш, тўғри йўлдан адаштириш, халқорачи муносабатларни чиғаллаштириш, давлат орагнлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятини беқарорлаштириш, иқтисодиётга путур етказиш, одамларни беғуноқ қарсон қилиш, мол-мулкларга зиён етказиш, инсонлар ўртада парокандаликни юзага келтириш ва охир оқибатда сиёсий раҳнамо бўлиб олиш, ҳокимият таласига ўтиришдан иборатдир. Шундай экан, биз, айниқса, транспорт тизими ходимлари янада ҳушёрроқ бўлишимиз, ҳар бир жабҳада темир интизомга риоя этишимиз шарт.

Она-Ватан, эл-юрт тақдирини, инсон ҳаёти муқаддасдир. Озодликнинг сўлим тароватидан бир бор нафос олиш бахтига созабор бўлган инсон бошқа ҳеч қачон ўзини хўрлатиб қўймайди. Бинобарин, озад халқ иродасини ҳеч қачон букиб бўлмайди. Биз шундай халқимиз.

**К.ҚИРҒИЗАЛИЕВ,**  
Ўзбекистон транспорт прокуратураси,  
3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

(Бошланғич 3-бетда).

дебдики: ҳарчанд уринсам-да ўзимда ҳаж сафарига боришга имкон тополмайман. Онанг барҳаётми? - дея сўрабди пир. «Аллоҳга шукр, соғомонлар». «Онанг сандан розими?». «Ҳа, рози, узлари шундай деган». Пир сукутга кетибди ва дебдики: «Мен етмиш маротаба Каъбани тавофэтдим. Сен онанг розилигини менга бер, шу етмиш маротаба қилган ҳаж савабини сенга бераман». Қиссадан ҳисса шуки, она розилигига тенг келадиган савоб бу дунёда мавжуд эмас экан. Негаки, онанинг оқ сути, меҳру муҳаббати, тунги бедорлик-ларини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Шу тўғрисида онани норози бўлган фарзанднинг қосиси оқармайди, иши ўнгидан келмайди.

... Яқинда катта лавозимдаги бир кишининг хузурига боришга тўғри келди. У саодатманд инсон ҳамқишлоғимиз эди. Гап айланиб она мавзусига ўтганда юзларида жилпонган нурини кўрдим. Эшитган эдимки, ўша инсон

# ХАЛҚ МЁДАДА БОШЛАЙДИ

онасини ниҳоятда эъзозлайди. Ҳатто, баъзи ишларидан гаши келган онаси калтакламоқчи бўлса-да жилмайиб, миқ этмай туравераркан... Буни содиқ фарзандлик дейилади. Негаки, қанчалар мартабага кўтарилмасин фарзанд онаси учун шунчаки бир бола... Доимо фарзанди ташвиши билан яшади, оналик меҳрини ҳеч қачон дариг тутмайди.

Онага, умуман аёл зотиға ҳурмат-эҳтиром борасида Беназир халқимиз собиқ совет замонида қай ҳолга тушгани маълум. Аёллар ҳуқуқи поймаб қилинди. Уларнинг арз-додига қўлоқ тутилмади. Шунинг учун ҳам ўша оғир даврларда ўнлаб аёллар ўзларига ўт қўйиб юбордилар... Бу қабоҳат

халқимиз ёдидан ҳеч қачон чиқмайди. Негаки, энг зolim ҳумдорлар замонида ҳам аёл зоти бу қадар таҳқирланмаган. Урта Осиёда нуфузли ўринини ишғол этган республикамизда 1999 йил Аёллар йили дея эълон қилинишида ўша ота-боболаримиз удумини кўра-миш. Зотан, жаҳонга юз тубти, ўз қудратини намойиш этаётган Ўзбекистон оналаримиз дуоси боис янада сарба-ландидр.

Бу ёғур дунёда Она алласидек буюк сеҳр бормикан? Ўша сеҳр дуоға кўчади, инсон зотини икки дунёда муқаррам қилади. Оналар тўққан аламли кўз ёшлари эса ёвуз ниятли кишиларнинг ҳатто охиратини барбод қилмоғи ҳам аниқ.

Одам бўлса онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Бу тоифадагилар онасини унутган кимсалардир. Суд залларида фарзандини қора курсога ўтирганини кўриб кўз ёшларини тийиб бўлмаётган бағрик қон оналар ҳолатига разм солганмисиз? «Ахир сени шу ниятда ўстирганимди, болам» дейди уларнинг кўзлари. «Кўрак эмиб, шўх-лиқлар қилганинда қандай беғубор эдинг-а... Ахир сенга нима етмишмапти? Кўчада оч - наҳор қолганини йўқ-ку...» хайқиради она кўзлари. Ва бу алам ўглининг қисматиға кўчиб ўтади, она норозилиги ўлим жазосидан-да оғирроқ жазодир одам учун... Хуллас, шундай дуоабдан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Кўклам палласида, дов-дарахтлар кўртак ёзаётган, гулга қираётган палладаги бу байрам оналаримизга, онасиниларимизга қутлуғ бўлсин! Доимо уларнинг қулгусини эшитайлик, дуосини олайлик.

**Баҳром РЎЗИМУҲАММАД,**  
шоир.

• Оталар фикри

Президентимиз Ислам Каримов «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига жавобларида 9 майни - «Хотира ва қадрлаш кунин» деб белгилаш ҳақида қимматли фикрлар билдирди. Шу муносабат билан жамоатчи муҳбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Мандат комиссияси аъзоси, Халқ демократик партияси Марказий кенгаши Қашқадарё вилоят бўлими аъзоси, «Нуроний» жағмармаси вилоят бўлими кенгашининг раиси Соиб Усмонов билан сўхбатлашди.

**- Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақлифи билан 9 май - Хотира ва қадрлаш кунин, деб аталадиган бўлди. Бу ҳақда ўзингизнинг фикрингиз, уруш фахрийлари муносабати қандай?**

- Бундай тақлиф юртбошимиз томонидан 3 йил аввал ҳам илгари сурилган эди. Бу йилдан амалий ишлар бошлаб юборилди. Уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳам буни тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлаштиллар. Эътибор қилган бўлсангиз, болам, Президентимиз «Туркистон» газетасининг муҳбирига жавобларида бунинг моҳиятини очиб берганлар. Жуда доно жавоб бўлган. Умуман ватон учун жонини фидо қилганлар қадрланадиган кун бўлади.

**- Эҳтишом, баъзи уруш қатнашчилари буни «ҳазим» қилишга қийналар. Ҳалаба байрамини кўзда ёш билан кутиб олганлар...**

- Тушунаман. Ичкилик ичиб ёки сукут саклаш билан ёд этмоқ бизнинг хусусиятимизга ёт нарса эди. Унақа байрам қилишининг ўзи - гуноҳ. Уттанлар арвоҳига тиловат қилиш, ногиронлардан хабар олиш, уларга ҳеч бўлма-

# ДОНО ЖАВОБ

ганда яхши гап билан мадодкор бўлиш, кишиларни қадрлаш-мана бу мусулмонча, ўзбекона одоб.

**- Номаълум солдат майдони Хотира майдони деб аталадиган бўлди...**

- Бир вақтлар Қашқадарёдан урушга кетиб қайтиб келмаганлар сони 16600 деб юрардик. 3-та хотира китоби чиқардик. Лекин уларнинг сони 22 минг кишидан кўпроқни ташкил қилди. Ҳарбий архивлар билан ёзишмаларни давом эттирялмиш. Уларнинг номи мармарга битилади. Ахир уларнинг кўпчилигидан зурриёд қолган эмас, ягона ёдгорлик шу бўлади. Болам, сиз ҳуқуқшунос - журналистсиз, кўп воқеаларга гувоҳ бўлгандирсиз. Ишонманки, бунчалик улуг ташаббуснинг гувоҳи бўлмагансиз. Улар номаълум эмас, улар маълум, уларнинг хотираси абдий. Бунинг оҳамияти беқиёс, сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Шуни эсингиздан чиқарманг, улар қаерда бўлмасин, шу Ўзбекистон деб қон тўқканлар,

Президентимиз «Уттанларнинг номларини яхшилик билан тилга олиш энг яхши урф-одатларимиз», дедилар. Кимниси эслар эканмиш, дедмак, у яшайди деган гап ҳам бор. Абдулла Қодирийнинг «Уттан кунлар» романида оқ кўнгил Ҳасанали Отабекка «Ўлганимдан кейин рўҳимга бир калима кўрғон ўқиса, бир вақт-

лар Ҳасанали ота ҳам бор эди, деб ёдласа, менга шуниси кифоя» деб сипоришлар бериб юрди.

Дарҳақиқат, бойми, камбағалими, мансабдор ёки оғдий киши хонадоними, барибир, инсонийлик бурчимизни адо этишимиз лозим. Ҳар қайсимизнинг ўз ташвишимиз бор, аммо бировнинг кўнглига таскин бермоқ - бу фоят савабини иш. Шунинг учун ҳам, бошига қулфот тушган кишиларга ҳамдорлик билдириш, марҳумлар ҳақиға «фотиҳа ўқиш»; уларнинг рўҳларини эслашга вақт топа билишимиз керак.

**- Юртбошимиз таъкидлаган миллий гуруҳ тарбияси, ягона халқ туйғуларини ёшлар онгига синдириш соҳасида қандай ишлар амазга оширилмоқда? Яна бир нарса. Баъзи оталар ақсарият ҳолатида болалардан ноқийдилар. Бунга муносабатингиз?**

- Ҳар бир киши маслаҳатга муҳтож. Хонадонда қария бўлса, у файзли бўлади, ёшлар йўлдан адашмайди. Яхши инсон бўлса, унинг ҳаёт йўли ибратли. Мабо-до, ёшлиғида гуноҳ қилган бўлса, кейсайгонда пушаймон бўлади. Кексалар бир-бирдан хабордор бўлиб турса, ёшлар ҳам дўстликни қадрлайдиган бўлади.

Иккинчи саволингизга келсак, ўзбекларнинг бир мақоли бор, «Ураверсанг эти қотади, сўка-версанг бетиз». Уларнинг баъзи эркакликларини ҳам тушуноқ керак. Биз кўрган қийинчиликни ҳазирги ёшлар кўрган эмас. Биз тез улғайган эдик. Бунга алоҳида тошу-тарозу керак. Мен шахсан ҳозирги ёшларга ишонман. Уларнинг айрим салбий ҳислатларига ҳам бефарқ эмасмиз. Тўғри, ҳозиргилар анча билим-дон. Лекин бизнинг ҳаётимиз ҳам академиядан кам эмас.

**- Тошкент шаҳрида содир этилган 16 феврал воқеаларига муносабатингиз?**

- Ҳа, бу машъум воқеа ҳақида эшитган ҳар бир фуқаро ҳаяжонга тушиши табиий. Тинч ҳаётимизга раҳна солмоқчи бўлганларга нисбатан халқимизнинг нафрати чексиз эканлигига бугунги кунда ҳаммамиз гувоҳимиз. Ёвуз ниятли кишилар ўз мақсадларига етолдилар. Чунки халқимиз бир жону бир тан бўлиб ўзини, тинчлигини, ватанини ҳимоя қилишга қодир. Бундай халқни оқчатишмоқчи бўлганлар қаттиқ адашдилар.

Сўзимнинг охирида «Хукук» газетаси ўқувчилорига солиқомонлик тилаймиз. Ҳаётда адолатсизликлар, қонун бузилиш ҳоллари бўлиши мумкин. Мўҳими, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга ўрганиш керак. Адолат қорор топмоғи учун ҳам қурашилади. Ишонманки, бу йўлда севимли гозетамиз борчамизга мадодкор бўлади.

**Сўхбатдош:**  
**Довуд МАДИЕВ.**



**Тошмуқим момо Курбонқизи Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидан. Ҳозир 91 ёшга қаддам қўйганлар. Турмуш уртоғи Алиқул бобо билан уч нафар фарзандларини оқ ювиб, оқтараб вояға етказишди. Айни пайтда уларнинг 40 дан ортиқ неваралари усиб-ўлғайишмоқда. Тошмуқим момонинг кенжа фарзандлари пойтахтда яшайди. Момо ҳар гал ўглиниқига келганида, Тошкентнинг сўлим жойларини, шаҳарнинг ҳуснига ҳусн бўлиб қўшилган янги иншоотларни кўришни қанда қилмайди.**

**А.МАМАТКУЛОВ**  
олган сурат.

• Яхши ният



«ЎЗБЕК АЁЛИМАН АЙИШГА ҚАЛИМАН»

Республика прокуратураси Ташқи иқтисодий фаолиятда порахўрлик, талон-тарож ва бошқа суиистемолчиликларга қарши кураш бошқармасининг катта прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Юлия ШАКИРОВАнинг байрамодди тилаклари:

-Аёлга ҳеч нарса керак эмас. Агар у истаса, унга керак нарсани ҳеч бир эркак зоти топиб беролмайди. Шу боисдан, АЁЛга бахтнинг ўзи еторли. Агар шунга лойиқ зот иккига бўлса, биттаси аёл, битта бўлса ўзидир. Ахир аёлнинг бахти билан нафокат оиланинг, балки жамиятнинг ривожланиш тамойили ҳам ўлчанади. Негаки, тинчлик, ҳаёт, жамият - аёл дегани эмасми?

Бу сўзларим, нафокат ўзбек аёлларига, балки шу юртда туғилиб, шу юртда вояга етган ўзга миллат аёлларига ҳам тоаллуқли биласизми, бу юрт аёлларига самовий хусусиятлар ато этилган. Масалан, мен ўзбек эмасман. Аммо ўзбек айлман дейишга ҳақлиман. Чунки айтиб ўтганларимнинг маълум зарралари менда ҳам мўжасом топанлигидир. Мен шу юртда туғилдим. Улгайдим. Шунинг учун, бошқа юртда яшашни, кўчиб кетишни тасаввур ҳам қилолмайман. Шундай бўлган тақдирда ҳам, ўзга тўпроқнинг одамлари мени ҳеч қачон қабул қилолмайди. У ерининг тартиботларини мен ҳам оқлимга сингдирилмайман. У заминнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Улар менда йўқ.

Мен бу тўхтама ўз-ўзидан келиб қоладим. Хизмат юзасидан кўп юртларда бўлганман. Келинг, жуда оддий бир мисол келтирайин: хизмат ё бошқа масала юзасидан бирор ўзбек хонадонига борганингизда, биринчи бўлиб эшикни ким очади? Сиз шунга эътибор берганисиз? Ҳа, аёл очади. Аёл ким? Юқорида айтиб ўтганимдек, у ҳаёт, тинчлик. Демак сизни ўзбек хонадонига биринчи бўлиб ҳаёт, тинчлик кутиб олади.

-Юлия опа, гапингизни бўлагим учун кечирасиз. Сиз прокурор аёلسиз. Шундай экан, жиноятчиларга рўбарў келасиз. Аёл жиноятчиларга дуч келганингизда кўпроқ нималарни ўйлайсиз?

-Хизматчилик экан, уларни жиноятга яраша жавобгарликка тортиш бурчимиз. Бироқ уларга дуч келган онларим, уларнинг қандай қилиб жиноятчи бўлиб қолганлигига ҳам кўпроқ эътибор қаратганман. Ахир, одам бекорчиликдан жиноятчи бўлиб қоламайди. Аёлнинг энг биринчи бурчи - оналик. Оналик эса қонун билан муҳофазо қилинади. Ва у шунга лойиқ. Негаки, бола тарбиясини, оила ахлоқини жой-жайига қўйиш унинг зиммасида. У шунга адо этишда адашди, муаммолар қуртак она бошлайди. Айтмоқчиманки, оилода яхши муҳитни яратишда онанинг роли бекиёсдир. Мен жиноятчи аёлга дуч келган вақтларим кўпроқ шуларни ўйлаганман.

Шу боис, онага кенгроқ имкон яратиб бериш лозим. Бу жиноятчилик илдиларини қирқишнинг жуда осон, қулай йўли. Назаринда давлатимиз олиб бораётган ҳуқуқий сивабот шу асосда барпо этилмоқда. Чунки Президентимиз томонидан ўтган йил «Оила йили», бу йил эса «Аёллар йили» деб эълон қилинишининг ўзи ҳам шу йўлдаги муҳим бир қадам дейиш мумкин.

Мен бир фаразни бемолал айтишим мумкин: 5-10 йил ичида Ўзбекистонда жиноятчилик, оиланга аёллар жиноятчилиги кескин даражада камайиши рўй беради. Негаки, давлатимиз томонидан баркамол оила ахлоқини яратишга киришилди.

Зеро, оила ахлоқи жамият ахлоқининг узвий қисмидир.

Қаранг, оила ахлоқи - жамият ахлоқи - фуқаролик жамиятининг илдици ОНАга, она масъулиятига бориб уланади. Демак, Ўзбекистонда оналаримизнинг мажбурияти жуда улкан. Фурсатдан фойдаланиб, барча мунис аёлларимизни 8 март байрами билан муборакбод этаман. Уларга табассум ярашди. Шу табассум уларга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

Оққа кўчирувчи: Шавқатдин.

• Ахборот

АЁЛЛАР ЖАМИЯТИНИНГ САРА ҚИСМИ

Тошкент Давлат юридик институтининг Хуқуқий маърифат тарғиботи маркази жойлардаги ҳокимият партия органлари, ҳуқуқ тартибот идоралари билан ҳамкорликда кўпгина тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Яқинда Чирчиқ шаҳрида Хуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳамда Тошкент вилояти халқ демократик партияси, Чирчиқ шаҳар ҳокимияти ва прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилган «Аёл, оила ва ҳуқуқ» мавзусидаги давра суҳбати кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ингиллиши шаҳар ХДП кенгашининг биринчи котиби Ҳ. Мирзаев олиб борди. Фалсафа фанлари номзоди З. Ғофуров сўзга чиқиб, аёлларнинг энг олий фазилатларини ибодат ва бағдорлигидир, деб таъкидлаб ўтди. Айниқса, унинг фикрларига ибодат сифатида келтирилган ҳиндларнинг қадимий достони «Махаббат»даги вафодор аёл ҳақидаги ривоятни тингловчиларда чукуч таассурот келтирди.

Суҳбатни «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Туркистон» газетаси муҳбирининг саволларига жавобларидан келиб чиқадиغان устувор вазифалар» мавзусидаги маъруза билан давом эттирган Хуқуқий маърифат тарғиботи маркази директори, профессор З. Исламов Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 16 феврал воқеаларига муносабатини билдириб ўтди. Бугунги кундаги энг долзарб вазифа эса, - дея таъкидлаб ўтди маърузачи, - ёшлар тарбиясига жиддий эътибор бермоқдир.

Шунингдек, давра суҳбатида профессор Н. Шодиев, Чирчиқ шаҳар прокуратураси терговчиси Б. Зухуров, Тошкент вилояти ХДП кенгашининг биринчи котиби С. Аъзамовлар сўзга чиқиб ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

М. БОЛЛИЕВА.

ЎЗУВУШ МАСЛАХАТХОНА

Агар аёл боласи бир ярим ёшга тулганида ишга чиққан бўлса, лекин аввалги иши ҳозирги шароитга тўғри келмаса ва бошқа енгилроқ ишга ўтишни хоҳласа, унга бирон бир имтиёз борми?

С. Қобулжонова. Ангрэн шаҳри.

«Хотип-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар». (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддаси).

Агар сизнинг фарзандингиз икки ёшга тўлмасдан туриб ишга чиққан бўлсангиз ва аввалги ишингиз ҳозирги шароитингизга тўғри келмаса ёки уни бажариш мумкин бўлмаган тақдирда, болангиз икки ёшга тўлгунча қадар аввалги ишингиздан кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилилари таъсиридан холи бўлган бошқа ишга сизнинг хоҳишингиз билан ўтказилишингиз мумкин. Бунда аввалги иш жойингиздаги ўртача иш ҳақингиз сақланиб қолади.

«Иштирокчи давлатлар мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида аёлларга нисбатан қилинган камситиш (дискриминация)ларни бартараф этиш бўйича барча чораларни қўрадилар ва аёлларга эркаклар билан бир хил ҳуқуқларга эга бўлишларини таъминлайдилар, хусусан: а) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ҳамда барча сайлаб қўйиладиган органларга сайлаш; б) ҳукумат сиёсатини ташкил этиш ва амалга оширишда ҳамда давлат мансабларини ўйналлаш, шунингдек давлат бошқарувиининг барча босқичларида давлат вазифаларини амалга оширишда қатнашиш; в) мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёти муаммолари билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлари ва ассоциациялар фаолиятида иштирок этиш».

(1979 йил 18 декабрдаги «Аёлларга нисбатан ҳар қандай шаклдаги камситишларни бартараф этиш тўғрисида»ги Конвенциянинг 7-моддаси).

Мен ёлғиз онаман ва биттагина ўғлим бор. У ҳам бўлса мактаб ўқувчиси. Иш жойимда эса иш вақти савқиз соатлик. Баъзан иш қўпайиб кетганда эса бироз ушланиб қолишга тўғри келади, бунинг оқибатида уйга кеч қайтаман. Бу айниқса қиш ойларида жуда қийинчиликлар туғдиради. Қонунда мен қаби оналарга қандай имтиёзлар бор?

О. Суяндикова. Қарши шаҳри.

Агар фарзандингиз ун тўрт ёшга тўлмаган бўлса, унда сиз иш берувчи (корхона бошлиғи)га мурожаат этсангиз, иш берувчи сизга тўлиқсиз иш кўни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаи белгилашга мажбур. Шунингдек, сизнинг розилингизсиз иш вақтидан ташқари ишларга, тунги вақтдаги ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жолб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

Таътил беришда ҳам имтиёзлар белгиланган. Сиз ўз хоҳишингизга кўра таътилни ёз вақтида ёки ўзингиз учун қулай бўлган бошқа вақтда олишингиз мумкин. Бундан ташқари, ойига бир марта иш ҳақи сақланган ҳолда бир дам олиш кўни берилади.

Ижарага автомашина олган эдим. Лекин бир сабаб билан ундан фойдалана олмашман. Машинани фойдалана олмайдиган даврда бошқа шахсга бериб туришим мумкинми?

А. Матчонова, Хоразм.

Агарда шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса. Бунинг учун ижарага олинган автомашина эгасининг розилигини олиш зорур. Аммо сиз ижарага берувчининг розилигини олмасдан туриб ҳам шу транспорт воситасини ижарага беришингиз мумкин. Лекин бу автомашинадан фойдаланиш мақсадида, шартнома шартларига зид бўлмаслиги ва унинг доирасидан чиқиб кетмаслиги лозим.



Бир кўни радиода аёллар 45 ёшдан пенсияга чиқиши мумкинлиги тўғрисида эшитиб қолдим. Бунга авваллари одамлар гапириб юрганларини эшитувдим. Лекин одамлар уларни ўйлаб тошган бўлса керак, деб илоҳимандим. «Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди» дейишди-ку.

Балким бирон бир қонун қабул қилингандир, шу саволга сизлар аниқ жавоб берасизлар, деб ўйлайман.

С. Саидова, Андижон вилояти Избоскан тумани.

Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида биз Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ва Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасига мурожаат қилдик. Лекин улардан, бу тўғрида биз ҳеч қандай маълумот ёки норматив ҳужжат олганимиз йўқ, деган жавоб олдик. Демак, бу фақат миш-мишлар экан.

Агар аёл туғиш таътилига чиққан бўлса, унинг боласи энг ёшга тулгунча қадар, яъни у ишга қайттунигача унга ишдан четлаштиш мумкинми?

О. Машарипова. Фарғона шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 237-моддаси талабига мувофиқ ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинмаслиги кўрсатиб ўтилган. Фақат корхона бутунлай тугатилган ҳоллардагина бунга йўлга қўйилиши мумкин.

Бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шартин билан бекор қилинади. Ишга жойлаштиришни эса тугатилган корхонанинг ҳуқуқий вориси амалга оширади. Агар ҳуқуқий ворис ҳам бўлмаса, маъқул келадиган ишни топиш ва жойлаштиришда маҳаллий меҳнат органи ёрдам беради.

Сизнинг сўзларингиз Д.ХАЛИЛОВ ташкилади.

• **Оғриқ нуқталар****ШАРҚИЙ ҚИРҒОК**

XX асрни видео ва техника асри дея кўларга кўтаришди. Лекин ана шу видеоларнинг салбий томонларини, маънавиятига етказоётган зарарини ўйлаб кўрганмизми? ШУБРА ИМЗА

Ушбу мақолага тасодифан кўз ташлаган аксарият кишиларнинг ўйида видеоси борлигига шубҳа йўқ. Эҳтимол, аёли, фарзандлари назари тушмайдиган жойда «махсус» кассеталар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, ана шу тасвирларга фарзандларнинг нигоҳи қадалиши, уларнинг ҳаётини заҳарлаши мумкинлигини ҳаёдан ўтказганимиз? Бундан худоятимнинг ўзи асрасин. Лекин...

Аёлларнинг кийимсиз тушган суратларини кўрган фарб кишига унга бир гўзаллик, санъат асари сифатида қарайди. Лекин шарқликлар-чи? Бундай суратларга кўзи тушган солиҳ инсонларнинг ҳаёлидан ҳавотирли бир ўй кечади. Бу номмакул расмлар фарзандларимизнинг тарбиясига таъсир қилмасмикан?! Ва тўғри ўйлайди ҳам.

Шарқ халқларининг табиати, иклими бошқача. Шу боис, юқоридаги суратга фарбликлар назари билан қарай олмайд.

Мамлакатимизнинг чека қишлоқларидан бирида феодал

юз берди. Ким эшитди, ким эшитмади. Янги уйланган йигит никоҳнинг учинчи кечаси ўз жонига қасд қилди. Бу ўлим бутун бир оиланинг кулфатига айланди. Чунки йигит ота-онасининг ёлғиз ўғли эди. Ушбу воқеанинг сабаби ҳақида ҳамма ҳар хил фикр билдирди. Лекин йигитчанинг хатти-ҳаракатларидан воқиф бўлган кўшниларида бири тўғри «ташхис» қўйди. «Бу фожиа эртага ҳар биримизнинг бошимизга тушиши мумкин. Чунки ёшларимиз бир хонадонга йиғилиб олиб беҳаё фильмларни кўрган. Ана шунинг оқибатида тўйдан кейин кўтилган иш бўлмоқди». Психологик жиҳатдан тайёрланмаган, жинсий алоқадан мутлақо беҳабар бўлган йигит, «шармандалик»дан қутулиш учун ўзини нобуд қилди.

Чет элдан турли йўллар билан келтирилаётган бундай фильмларни бир марта кўрган йигитнинг ҳаёти ўзгаради. Унинг ҳаёлига на ўқиш қиради, на бир жойда ёлчишиб ишлайди.

Бугина эмас. Қишлоқ фуқаролари йигитида ишлайдиган бир танишимиз айтди. Оилаларнинг ажралиб кетишига эрларнинг видеода кўрганларини аёлидан талаб қилаётгани ҳам сабаб

бўлаётган экан. Яхши оилада тарбияланган мўмина аёл бундай беҳаёликни сингдира олмади, ажралишни афзал кўради.

Айнан ана шундай хатти-ҳаракат келинчоқлар томонидан ҳам содир этилган. Бу ҳам ўз навбатида оиланинг ажралиши билан тулаган. Бу эшитган, билган воқеаларимизни ёзишга қўлимиз бормоқди. Лекин ҳар онда ҳар дақиқада қайсидир жойда ёшларимизнинг юқоридаги сингари фильмлар кўраётганини ўйласак ташвишимиз ортади. Беихтиёр наҳот йўлларини қидирамиз.

Айтишларича, видеотасма олти ой айлантирилмаса ундаги тасвирлар ўчиб кетармиш. Олти ой розеткаларда ток бўлмаса.. Олти ой видеотасвирларни кўриш таъқиқланса ўша балолардан қутулармиз, деган ҳаёлларга ҳам бораган гоҳ.

Гапнинг очиги, айни пайтда ёшларимизнинг тарбияси, уларни жасорат, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашимиз лозимлиги ҳақида ёзишим мумкин эди. Чунки ана шундай мард ёшларни кўриш дилимдаги орауим. Лекин касални даволаш учун, уни ўз номи билан аташимиз даркор. Шунинг учун ҳам ҳаёлимдан кечган ўйларни сиз билан баҳам кўрдим. Шарқий қирғоқни ёт нарсалардан холи кўриш учун нима қилсак экан?!

Абдурахмон ЖўРА.

**Баъзи газетхоналаримизнинг бу ҳақдаги фикрлари билан ҳам қизиқдик.****Абдумалик Муҳаммадаминов:**

- Ҳар қандай ҳолатда ҳам бундай фильмлар бизнинг табиатидага ёт. Ёшларимизни асраш муаммосига келсак ота-оналар уларнинг йиғилишларидан боҳабар бўлиб, назоратсиз қолдирмаслиги керак.

**Абдурашид Отажонов, Қашқар қишлоқ фуқаролар йиғини котиби:**

- «Умид» жағмармаси кўмаги билан чет элда билим олаётган ёшларимизнинг муваффақиятларини эшитиб қувонаман. Рустам Қосимжоновни жаҳоннинг энг кучли шахматчилари сафида донор суратгани қанчалик фахр уйғотади кишида. Истагим, қишлоқ ёшлари орасидан ҳам ана шундай Ватан шўхратини дунёга танитадиган ёшлар етишиб чиқса.

**Абдурахим Кенжаев, ўқитувчи:**

- Ёшларимизнинг иқтидорини аниқлаб, ўша йўналишда илм ўргатадиган замон келди. Ўқишга ихлоси йўқми, демак, ҳунар ўргатиш керак.

Додамиз раҳматли бизни бир дақиқа ҳам бўш қолдирмасдилар.

Хатто тенгдошларимиз билан тўп тепаётганимизда ҳам назоратдан қочирмасдилар. Энди англадикми, бу тарбия бизнинг бугунги кунимизни пухта ўйлаб қилинган хатти-ҳаракатлар экан. Ҳозир бизнинг тенгдошлар ҳаммаси ота бўлди. Лекин фарзанд тарбиясини кўнгилдагидек олиб бораётими? Ҳамма гап ана шунга боғлиқ.

**Қўқорбой Абдуназаров, нафақадор:**

- Болани меҳнатга ўргатиш отанинг вазифаси. Она эса фарзандларга меҳр беради. Ана шу ўйғунлик бўлса, оиладан ёмон фарзанд чиқмайди.

**Солижон Холматов, 44 ёш:**

- Гапнинг очиги, ўша кинони кўрдик, тенгдошлар билан. Оралишда бир ёзувчи ҳам бор эди. У ҳам кўрди. Сир бой бермади. Лекин орадан кўп ўтмай шунақанга бир мақола ёзибдик! Дўстимиз ҳам бундай киноларни кўраб экан, деб хомтама бўлган эканмиз. Биз кино кўрибмиз, у билан кўрибди. Бамисоли юзимизга ойна тугандек бўлди. Расса мулзам бўлди. Шундан кейин кассетани ўчириб, бошқа нарса ёзиб юбордик. Кинолар ҳам сўзга ўхшайди. Яхши сўз жон озиғи, деган нақл бор ҳалқимизда. Мазмунли, яхши ишларга илҳомлантирадиган кинолар ҳаётимизни янада кўркам ва гўзал қилади. Лекин юзимизга ойна тугти турадиган, танқидий мақолар ҳам керак.

**Иномжон Собиров, 27 ёш:**

Мен бундай киноларни кўрмаганман. Дўстларим тақлиф қилган. Лекин кўнглимда нимадир ҳалол берди. Бу кино шайтоний ҳисларни овж олдиради, деб ўйлойман. Раҳмоний кишилар, яъни Оллоҳга яқин инсонлар бундай номатқул ишлардан йироқ. Чунки, бу йўлда унга худоятимнинг ўзи ёрдам беради.

**Абдусалом Алматов, 61 ёш:**

- Кўз зиноси, тил ва тан зиноси бор. Яъни бировнинг аёлига ҳирс билан термулиш ва сўзлаш ҳам зинага қиради. Охирафта буларнинг жазоси оғир. Охирафта мўъмин мусулмонлар ишониб, гуноҳлардан тийилади. Агар синчвос нигоҳ билан боқсангиз зиноқорларнинг жазосини, ажримини тириклигидек бериб қўйибди. Бундай одамлар ҳаётининг сўнги кунларига, фарзандларига назар солинг, ҳаммаси аён бўлади.

ушлангач, сирни фош бўлади.

Ботир Тошкент гарнизони харбий судининг ҳукми билан 3 йилга озодликдан маҳрум этилди.

**ТАРБИЯГА ҲАМ БОҒЛИҚ**

мади. Хизматнинг бир ойи ўтиши билан уйга қайтиб келиб, ота-онасини, ўзи ўқибган Самарқанд озиқ-овқат коллежи маъмуриятини ҳар хил баҳоналар билан алдаб юрган Ботир, қарийб 1 йил давомида ўзининг хизматдан қочиб келганлигини ҳеч кимга билдирмади. Бу орода ўқини ҳам битириб, кўпчилик ўртоқлари катори Тошкентга келиб ёлланиб ишлаб юрди. Лекин унинг ўзбошимчилиги узоққа чўзилмади. У милиция ходимлари томонидан

Кейинги пайтларда учраб турган бундай жиноятларнинг содир этилишига сабаб нима? Нима учун Ватанимиз посбонлари бўлиш йигитларимизнинг айримлари муқаддас бурчидан бўйин товламақда? Бунинг асосий сабабларидан бири, тарбияга бориб тақалади, деб ўйлойман. Юқорида номи тилга олинган Ботир ҳам оиланинг эркатойи бўлган. Қийинчиликларга бардошсиз бўлиб ўсган. Мактабларни тарбия ўчоғи



**Сийнам ситамлардан ситилиб кетди,  
Тошбағар тоқатлар титилиб кетди,  
Бошимга битиклар битилиб кетди,  
Келмайсиз...**

**Жилғалар жонланиб-жонланиб келди,  
Ёвузга ёлланиб ёмонлар келди,  
Қошимга қошлари камонлар келди,  
Келмайсиз...**



**«ДАРДИМ СИҒМАС ДУНЁГА»  
мақоласини ўқиб...**

«Хуқуқ», №7, 17 феврал.

Мен она, аёл сифатида ва 30 йиллик муаллима-тарбиячи сифатида «Дунёга дарди сиғмаётган» синглимиз, қизимиз Мўта-

доғ туширувчи «юрт бузуқилар» борлигини афсус, билмас экансиз-да?

Сиз ҳақ-хуқуқингиз ҳимоялан-

**БУ ЙЎЛДА ХАТО  
ҚИЛМАНГ, СИНГЛИМ**

бархон Ортиқовага «Кўрмай боссангиз тиканини, тортасиз-да дардини», деб дағалроқ жавоб бергим бор... Сиз ўз ҳасратингиз ёки мактубингизда барча қилмишларингиздан хижолат тортганингизни рўй-рост бўйинингизга олгансиз. Буюм яхши фазилат.

Синглим, турмуш шундай мураккаблигини, ҳаётда «Эйтибор холангизга ўхшаган «қўшмачи», «устамон», ёшлар тарбиясига ёмон таъсир этувчи нопок, аёллик, оналик шаънига

ганидан, сизни тўғри йўлга етаклаганлардан миннатдор бўласиз, бу-ку яхши. Аммо шарм-хаё, поклик, миллий гурур ҳақида аввал ҳеч кимдан эшитмаганим деганингизга ҳайратдан...

Пулга шайдо бўлишни, ўзингизга оро беришни биладиган ёшларимиз, бу туйғуларни идрок эта билмасиз.

Хаё, ибод, аёл одоби ҳақида ҳеч нарса эшитмаган эмисиз... Газета, журнал, китоб ўқимайсизми? Радио, телевизордан жуда узоқдасизми? Уларда берилётган мавзуларнинг аксарияти ахлоқ-одоб ҳақида-ку.

Ота-она, ягир-бағирлар ҳам йўқимиди? Наҳот, умрингизда улардан ахлоқ-одоб ҳақида бирор панду-насиҳат эшитмаган бўлсангиз?

Синглим Мўтабархон! Бу хатого маънавий қашшоқлик туфайли йўл қўйибсиз. Халиям кеч эмас, хатони кеч бўлса-да, эриланг. Иродали, сабрли бўлинг. Ўз хатонингизни яхшиларга ёт, эшик тузатинг. Биз бахтингизга шон солган «Эйтибор холангизнинг Оллоҳ қорнишига қолишига ишонамиз. Сизга «бу йўлда қайта хато қилманг» дейман. Дунёда яхши одамлар кўп, уларнинг изидан боринг.

**А.ЗИЁВУДИНОВ,  
Тошкент гарнизони харбий  
прокуратураси терговчиси.**

**Ўқтамхон РАҲМОНОВА,  
Асака тижорат техникуми хотин-  
қизлар кўмитаси раиси.**

• **Қону ва бурч**

Харбий хизмат йигитларни синовадан ўтказиш, иродасини таллайди. Ватани олдидаги бурчини сидқидилдан ҳис қилган мард йигитлар ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга ўзида куч топа олади. Лекин, баъзилари эса...

Гуруч қурмасиз бўлмайди, деганларидек, йигитларимиз оросида харбий хизматдан бўйин товлайдигани ҳам учраб туради.

Ўғлининг бўйи етиб харбий хизматга қақририлганда, Солижон ақоннинг қалби фаҳрга тўлди. Ўғлини хизматга жўнатаётган онанинг эса қувончданми, кўзлари ёшланди.

Лекин, ўғлини харбий хизматга жўнатаётган гурур билан боққан Соли ақоннинг юзлари бугун ерга қораган.

Нега? Негаки, ўғли Ботиржоннинг исми-жисмига монанд чик-

• Хулосалар бекатидаги одам

... Менга қара жон болам, кел, шу қизингни мен олиб кетай, тагин Худонинг қаҳрига гирифтор бўлиб, бир болаларга йўлиқиб юрма...  
- Хо, чучварани ҳам санабсиз. Нега Худонинг қаҳрига йўлиқарман, бир етимчони боқиш катта савоб, бунинг учун Худо менга мукофотлаши керак.

- Йўқ, болам, сен янглишасан.  
- Қўйсангизчи, опа, шунча йил боқдим, энди хизматга яраганида нега энди бировга берарканман.

- Узингдан кўр, фақат Худо жазоламаса деб кўрқаман.

...Холида кампир сескиб кетди. Ҳа сўхбат қулоқлари остида жаранглади. Нега ўшунда онасининг айтганини қилмади, нега? Нима учун ўзи бир куни Тангри ҳаммасини ҳисоб-китоб қилишини жиддийроқ ўйлаб кўрмади? ...Энди пушаймондан наф борми? ...Мана, бир ҳафтадан бери кўрпа-тўшак қилиб ётибди. Холидан хабар оладиган бир меҳрибони йўқ... Жон ширин экан, таслим бўлгиси келмайди, инкиллаб-синкиллаб овқат пиширади, аммо қани томоғидан ўтса... Ҳалиям кўни-қўшнилари бор, уйлари ни йиғштириб, бозор-ўчарини қилиб беришоди. Умр деганлар шу экан-да гоҳ бахт, гоҳ бахтсизлик, гоҳ қувонч, гоҳ ғам... Булар ҳаммаси ўткинчи бир синовлар экан. Синовларга дош бериш ҳаммонинг ҳам қўлидан келавермаскан. Кампирнинг кўз олдига ҳаёт йўли бир-бир гавдаланди.

Болаликдан эрка, инжиқ ўсди. Турмуш қонунларини тан олгиси келмоди. Уни эрта тушатишди. Ҳаммаси ана шундан кейин бошланди. Анкироғи, у ҳоҳишда биринчи марта қоқилиб, лат еди. Фарзанди бўлмади. Келин бўлиб тушган хондондиқларнинг унга муносабати аста-секин ўзгара бошлади. Дўхтирма-дўхтир, табибма-табиб қатнашга тушди, чора топишмади.

- Бор будимизни сенга сарфлодик, - тўнғилларди қайнонаси. - Бу пулларга ўғлимни ўн марта уйлантирган бўлардим...

Ҳар куни шундай дийдиёлар билан тонг отиб, кун ботади. Бир

эътироф этадиган бўлди. Ичида қизалоққа нисбатан адовати чуқурлашиб бораверди. Эри ва қайнонаси уйда йўқ кезлари қизалоқни савалар, турли оғир ишларни бажаришга мажбур қиларди. Икки йилда икки фарзанд кўрди. Буни ҳам яхшилиги учун Худонинг қайтаргани деб ҳисоблади.

Бир куни Насибалини ураётганини онаси кўриб қолди.

- Айтдим-ку сенга, бемехрсан деб. Бундан кейин қизга қўлингни теккизма. Е, яхисиси уни мен олиб кета қолой.

- Вой, қизалоқни олиб кетсангиз, болаларимни ким боқади?

- Узинг...

- Мени ишим бошимдан ошиб ётибди. Яна мана, куёвингиз катта бир идорага раҳбар бўлди. Дунёда нима кўп, суюқоёқ хотин кўп. Агар болаларга ўралашиб, уйда ўтирсам ўзимга қараёлмай қоламан. Кейин эримни битта-яримтаси олиб кетса, чапагимни чалиб қолаверарманми?

Насибали саккиз ёшга чиққунча уй ишларининг анча-мунчасини ўрганиб олди. Ёшига мос келмаган ишларни қилгани ва калтақлар таъсиридани, қизалоқнинг бўйи ҳеч ўзмади.

Бу орада Сафура момо қаттиқ касалга чалинди, ётиб қолди.

- Болам, сизда жиддий гапим бор, - ўғли ва келинини ёнига чақирди момо. - Қизим, сиз Насибалига кўп азоб бераялсиз. Насиҳатларимни ҳеч қулоққа илмаялсиз. Мени қозо вақтим яқинлашган кўринади. Келинг, сизга бир ривоят айтиб берай. Зора шундан хулоса чиқариб, бола бечорани раҳмингиз келса...

... Қадимда бир авлиё ўтган экан. Авлиё ўғил кўрибди. Қарасаки, боласининг пешонаси йўқмиш. «Худойим, - дебди авлиё, - Бунинг пешонаси бўлмаса қандай қилиб турмуш кечиради». Ородан йиллар ўтибди. Бола қатта бўлибди. Уйланибди. Авлиё келинига қараса унинг ҳам пешонаси йўқмиш. «Эҳ, - дебди авлиё, - Энди булар ҳаёт шавқини сурмай хорзу зор турмуш кечирадиган бўлишди.

• Хукук оламида

Тўнги «смена»

**Молдавиянинг Крикова шаҳар полицияси ходимлари беш нафар босқинчи жинойт устида қўлга олиб, уларнинг шахсини аниқлашга, хайратдан ёқа қўлабди. Негаки, улар қажоқхонада жазо мўддатини ўтаётган маҳбуслар бўлиб чиққан.**

Аниқланишича, бу маҳбуслар қўриқчиларга олдиндан мўмайгина пул тўлаб, ҳеч тушиши билан камераларни тарк этишб, яқин атрофдаги шаҳар-қишлоқлар аҳолисини тунаш билан шуғулланишган. Тонга яқин эса яна жой-жайларга кайтганлар. Босқинчилар ҳаракати узок вақт давом этди. Ва ниҳоят, улар хондонлардан бирини шпийдон қилиб чиқарганларида полицияга дуч келиб, тузоқдан қутулиб кета олмади.

Спирт юкланган... тобут

**Ноқонуний ўғил билан тайёрланган катта миқдордаги спиртни мамлакат пойтахтига қандай ўғил билан қиритиш ҳусусида бош қотирган Муромлик бизнесменлар бунинг йўлини топишди.**

Улар маҳаллий корхоналардан бири билан тил топишб, тобут шаклидаги контейнерлар тайёрлаб беришга буюртма беришди. Буюртмалар тайёр бўлгач, улар спирт билан тўлдирди. Лекин, зийрак божхоначиларни қалъитиб бўлмади.

Тинтув даврида ноқонуний спирт ишлаб чиқариётган уйнинг ертўласидан 8 тоннага яқин спирт, суюқлик қувончи ускуналар, қопқоқ ва ёрликлар топилди.

«Иш» ўрганишга киришилди

**Россия бош прокуратораси Шимолий Кореяга Ми-8т жанговор бертолётдан бештасини ноқонуний сотишга уриналганига факти бўшча қўзғатилиб, асосиз равишда ҳаракатдан тўхтатилган жинойт ишнинг ўрганишга киришилди.**

Ўтган йилнинг 6 октябрда ушланган вертолётларнинг ракета ўрнатилиш қўрилмалари олиб ташланмаган, уларнинг нархи пассивирланган ҳамда олди-сотди ҳужжатларида тегишли муҳр ва имзолар шубҳали эди.

Дастлабки текширувларда аниқланишича, мазкур «иш» ҳақиқатан ҳам тўлиқ ўрганилмаган ҳаракатдан тўхтатилган экан. Текширув ишлари якунлангач, бу масалани ниҳоясига етказиш ҳарбий прокуратура зиммасига юкланади.

«МЕНИ КЕЧИРИНГ, ОДАМЛАР»

жанжалнинг устига эшик тақиллаб, лўли хотин келиб қолди. Ичкари кириб, иккала аёлнинг кўзда ёш билан бир-бирига аччиқ гаплар айтаётганига гувоҳ бўлган лўли бидирди кетди.

- Хай, қоқиндилар, ман бир пол очай, мушкулнингни осон қилай.  
- Пол очиравериб одо бўлдик, мана бу шумқадамни келин қилганимизга беш йил бўлди, қадими ярашмоқди ўлгурнинг. Ҳаймиқда п. Хондалик бошлангани етмагандай туришгаям ярамади, - пиқиллаб йилгай кетди қайнона... - Ёлғизгина болам эди.

- Хай, мунга этаги тўла бола, фақат мунгачи чилла тушган, - лўли Холиданнинг кўзларига бир мўддат тикилиб турди. «Мен сизга мунки йўлини айтмай, қарабсизки, уйингиз болагам, давлатгаям тўлсин.

- Ростданими? - қайнона - келин адоватини унутиб лўлининг ёнига чўққолади.

- Мен шу пайтгача нотўғри айтмаган. Сиз бир гўдакни, етим гўдакни олиб сақланг, зора худойимнинг раҳми келиб фарзанд ато қилса. Насиб бўлса, кейинги келганимда яхши бир кўйлак ёпасиз...

- Қани бунинг айтганини қилиб кўрайликчи, - хўрсинди Сафура хопа. - Аммо, болани онангиз топиб берсин. Мани қишлоқмақшилоқ юриб етим бола ахтаришга вақтим йўқ.

Холида йиллаб онасиникига келди.

- Лўли хотин тўғри айтибди, менам шунга айтмоқчидим, аммо...

- онаси уйланиб қолди.

- Нима аммо?

- Сенинг меҳринг қаттиқроқ, болам, норасидага, азоб берасан деб кўрқаман.

- Вой, опа, ҳозир шунга ўйлайдиган вақтими, нима мен шунча ёмонманми, ҳамма мени ёмон кўради, унда ўзимни ўлдириб қўяқолай, ҳамманг кутуласан, - Холида урвос сола бошлади.

Холида етим болани ўз боламдай кўроман, йўқса тирноққа зор бўлиб ўтиб кетаверай, деб қасам ичгач, онаси бола топиб беришга рози бўлди.

- Опа, - Холида каловланиб қолди. - ... Фақат чақалоқ бўлмасин. Боқишга қийналама... Яна гўдакка азоб бериб қўймай дейман-да...

... Болалар уйда ширингина қизалоққа дуч келишди. У Холидага жуда ёқиб қолди.

- Мениям фарзандларим шунга ўхшаб асал бўлсин, - деди у онасига. Тез орада қизалоқни уйга олиб келишди. Қизалоқнинг исми Насибали эди. Ҳа куни онаси кўп насихат қилди. Етим бола боқиб савоб эканлигини, аммо ҳар ким ҳам бунга эппайвермаслигини оқдон тушунтирди. Қизини инсофли, ақлли ва диёнатли бўлишга чақирди. Етим боладан меҳрини аямаслиқни қайта-қайта ўқитди.

- Худоё исминг жисминга мос бўлсин, - деб қаршилади Сафура момо.

Насибали ростданам насибали экан. У келган кундан бошлаб уйда ҳаёт тарзи ўзгарди. Шу йили дехқончилик ҳам яхши бўлди. Мисари ҳам қўлайиб қолди. Зариф ўзи ишлаётган жамоага бошлиқ муовини қилиб тайинланди. Ва... кутилганидек... Холиданнинг бўйида бўлди. Бу қизчани ҳамма бирдек севар, эркалар, қўйгани жой тополмасдилар.

- Вой қадимининг ярашганини, - энтиқиб кўярди Сафура момо. Худди мана шу гап Холидага ёқмасди. Қайнонаси ҳар гап қизалоқни шундай эркалаганида бир пайтлар ўзини шумқадам деб қарганларни эсига тушар, ичини нимадир кесиб ўтандек бўларди.

- Қара, қизча келиб уйимиз нурга чўмилди, - деб қолди бир куни эри. Энди буниси ортиқча эди.

- Нимага энди қизча сабаб бўларкан. Бунга мен сабабчман. Битта етимнинг бошини силанганим, меҳримни бериб, едирбичирганим учун Худонинг мукофоти бу. Ҳаётнинг оддий қонунияти бу, - вахиллаб берди у эрига. Бара-бора бунга ҳаммининг олдига

Начора». «Ота, - дебди бир куни ўғил, - Бизга рухсат берсангиз, ўзга юртларга бориб насима изласак». «Буларнинг пешонаси бўлмаса, бу ерда қолиб нима қилишад, ҳеч бўлмаса юрт кўришсин», ўйлабди чол ва ўғли билан келинига рухсат берибди. Яна йиллар ўтибди. Авлиё «болаларим хорзу зорликда ўлиб кетган бўлмасин, хабарларини олай, деб йўлга тушибди. Бир юртга келиб боласини топибди. Қарасаки ўғли шу юртнинг энг бадавлат одами эмиш. «Во ажаб, ўйлабди авлиё. Бу не синаот бўлди. Ахир, ўғлининг ҳам, келинининг ҳам пешонаси йўқ эди-ку». Авлиё ўғлиникида бир кеча тунаб, турмушидан қувониб ортага қайтибди. Ородан яна вақт ўтибди. Авлиё ўғлини кўриш учун яна йўлга отланибди. Ҳа зор бориб қараса, не кўз билан кўрсинки, ўғли билан келини оч-наҳор, тиланчилик қилиб юрганмиш. «Во алҳазор - ажабланибди авлиё. - Бу яна не сир бўлди». Қараса, йўлдан бир фаришали чол ўтиб бораётган экан. Авлиё ундан воқеанинг сабабини сўрабди. Чол оғир хўрсинибди.

- Буларнинг бир ити бор эди. Яқинда ўша итни ҳайдаб юборишди ва шу аҳволга тушиб қолишди.

Авлиё синаотни ечибди ва оғир хўрсиниб ортига қайтибди... - Сафура хопа жим қолди.

- Вой, вой, вой, бу билан нима, бизни ўша пешонаси йўқ эрхотинга ўхшатоқчиликсиз. Бу ривоятингизнинг бизга умуман алоқаси йўқ... - Холида яна бидирлашда давом этаётган эди, эрининг қаҳрли нигоҳига дуч келиб, таққа тўхтади.

Сафура момо жон берди. Холида ҳам бирдан юввош тортиб қолди. Ривоят таъсирини кўриб, Насибалига қўл кўтармади. Бола боқидан бошқа юмушларни ўз зиммасига олди. Аммо бу ҳам узок давом этмади. Икки-уч йилдан сўнг нимадир сабаб бўлиб Холида Насибалини дўпсоллаб қолди. Ва яна ҳар куни урадиган бўлди.

...Энди эсига тушляпти. Бир гал Насибалини касов билан уриб оёғини синдириб қўйганди... Ородан ярим соат ўтар-ўтмай қизи кўчадан додлаб келди. Югуриб келаётганда йиқилиб тушибди ва оёғи синибди...

Холида кампир ингроб юборди... Наҳотки, ўша пайтда бунинг маъносини англамади... Ахир, шундан хулоса чиқариб, инсофга келганда ҳаммаси яхши бўлиб кетармиди, бу кунлар бошида бўлмасмиди... Эҳ...

(Давами бор).

Муҳаббат ТҲАРАБОВА.

ҚОНУНЛАР МОҲИЯТИГА БАГИШЛАНДИ

Яқинда Қашқадар вилоят прокуратурасида «Хукуқий билмилар куни» тadbирининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг моҳиятини фуқароларга тушунтириш мақсадида ўтказилган бу тadbирда прокуратура, ИИБ ходимлари, ҳокимият мутасаддилари, маҳалла аҳли, ишчилар ва талаба ёшлар иштирок этишди. (Ўз муҳбиримиз).



Қўша қариш бахти.

• Ҳажвия

**Муҳаммад ОЧИЛ:**

**Кулолсангиз кулгиси сизга, савоби эса ўзимизга!**

**Муаллифнинг сийрати ва сувратига чизгилар:**

Ёши қирчиллама бўлмаса ҳам, қиёмга етган қирқ беш ёйда. Паҳса елкалик, бўйи дароз, савлат учун жиндаккина қорин ҳам куйган. Асли қасби агрономлик. Аммо, «пахта парвариши»ни энгилмасликдан чўчиб ўзини ижодга урган. Қаламининг икки учи бор. Бирда ҳажвия ёзавериб тўймоқ бўлиб қолса, дарҳол иккинчи томони билан хабар, лавҳа, очерк ёзишга тутинади. Устози Негмат Аминовнинг таъбирига кўра: «Ҳажвиялари замирида бир мардликлар, бир чананиликлар ётади. Диққат билан ўқисангиз, улардан дашт ҳиди, тупроқ ҳиди келади». Сабоби, у - «қийлоқчи». Қашқадарё вилоят Яскабоғ туманининг Совуқ булоқ қишлоғида туғилган.

Ҳар тўқисда бир айб дегандек, унинг нуқсони «тиллага» ўчлигида. «Илҳом» деган танишини ишга солиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси «Шум бола» чойхонасининг «Тилла чойнак», республика ёшлар газетасининг «Олтин қалам» ва «Мушум» журнали уюштирган конкурсларда уч мартаба тилла суви югуртирилган мукофот «қоғози»ни қўлга киритган.

Ҳозирча ёзган китоблари: «Шайтон операцияси», «Нишонга теккан ўқ», «Ҳажва гулдастаси», «Кулдук», «Бермурд учбурнаги», «Арвоҳ ови», «Шапалоқ»... Тахланса тўпикқа етар-етмас. Шу боис нияти, келгусида насиб этса кекирдакка етадиганча китоб ёзиши.

Энди унинг ҳажвиялари туркумини эълон қилишни бошлаймиз.

**«КАТАЙСА»**

Ўғил гаптин холда онаси қошига келди. Кўзлари жовдиради.

-Елғиз фарзандингизман, эй, эна! Дуо қилинг... Негаки, мен деволни ҳалигача эшак қилиб миниб юрибман. Тенги-тўшларим эса аллоҳчон ҳаммаси мошинлик бўлган. Дуо қилинг, эна! Агар дуоингиз сабаб мошинлик бўлсам, унинг олдинги ўриндиғи сизники... Ҳар кунни катойса қилдираман!

Она рози бўлди. Фарзандининг истагини беш вақт номозига қўшиб ўқиди... Ниҳоят, волидаи мушфиқнинг илтижолари ижобатиими - ўғил «мошинлик» бўлди. Она бениҳоя қувонди. Ўз қўли билан тиккан гулдор ёпинчиқни фарзандига ҳада этди.

Ўғил ҳам ваздасида турди. «Тик»нинг олд ўриндиғига онасини, кетига эса хотин, бола-чақасини ўтказди.

Даставвал, музқаймоқ ейиш учун шаҳар истироҳат боғига боришди. Ҳориб-толиқиб қолмасин деган ниятда онани машинада қолдиришди. Ўйнаб-қулиб ҳумордан чиқишгач, қиз набираси «Момосига музқаймоқ олишни» хоҳлади. Аммо, бу ношудлиги учун аясидан қойиш эшитди.

-Момонг кекса-я! Тагин томоқлари оғриб-нетиб қолмасин...

Ўғил келиннинг қайнонасига бўлган бу тарздаги меҳрибончилигиндан мамнун бўлди.

Сўнг яна сайру саёҳат давом этди. Тушдиқда дарё бўйидаги кафеда машинани «қовишди». Ўғил набира ўз «насибасидан» икки сик қабони момосига илинганди, аяси яна дашном берди.

-Шашлик қўй гўштиндан экан! Момонгни довляенини бора, болом... Ҳозир бозорга борайлик. Ўша жойда моможонинг қатқили ош олиб берамиз...

Ўғил хотинидан яна хурсанд бўлди. Шундан сўнг бозор томон йўл олишди. Аммо, онага бу сафар ҳам машинада қолишга тўғри келди. Боиси, кичик набираси тиззосида ҳориб ухлаб қолганди.

...Кечга яқин сафарлари қариди. Ўғил машинани ҳовлига олиб киргач, кекирданини чўзиб кекираркан, миннатомуз оҳангда деди: -Қалай, энажон! Катайса зўр бўлдимми?! Биз шунақа ваъда бердикми...

Она увишган оёқларини уқалади. Сўнг миннатдорлик билдирди. -Барака топ, болом! Мазаза қилдим «катайсангиздан». Савобини айтмайсанми... Қишда мазасида қочиб, рўзамнинг бир кунини қазо қилгандим. Сен баҳона бугун ўша қарзимдан қутулдим-да, болажоним! Ўғил мамнун... Йўк, бу сафар мулзам бўлди.

**Хандалар**

Она: Бизнинг давримизда қизлар фақат арзийдиган эр толгайдагина турмушга чиқишарди.  
Киз: Билда эса сал бошқачарок, ойижон, то арзийдиган эр топилагунча турмушга чиқавердилар.

Эмфир челақлаб куар, чиройли бир аёл енгил машина гилдирягини ечиб олишга уринарди. Бунни кўриб қолган бир шофёр машинасини тўхтади ва келиб унга ёрдан берди. Машина гилдиряги алмаштирилди.  
-Энди домкратни олиш керак, - деди

бошдан оёқ ивиб кетган шофёр.  
- Майли, майли, - деди аёл. - Фақат секироққ олинг. Машинада эрим ухлаб ёттибди.

Кўёв ёш келинга қўпман эътибор бермас муносабати совуқ, сахармардонда ишга кетиб, ярим кечада ишдан қайтар ва дарҳол ухлаб қоларди. Бир кун у одатдагидан сал эртарок кириб келди.  
- Жонгинам, қани, деразаларнинг пардаларини тушир, - деди у хотинига, - чирокни ҳам ўчир!  
Аллаҳандай тўйгулардан тўлқинланиб кетган келин югуриб-елиб эрининг амрини бажо келтирди. Қоронгуликда

**SUPERKPOCCBOPД**

**Бўйига:**

1.Баҳор келинчаги. 2.Пойтахтимиздаги тикувчилик фирмаси. 3.Соч эмас бу... 4.Қўқон хони, шоир. 5. Республикадаги аёллар ойлик журнали. 6. «Яхшилар, ... нима деса десинлар» (кўшиқдан). 7. «Сочилган сочинга», сочилса сиринг, ... юзларининг кимга тutasан. (Чўлпон). 8. Гуржистонлик башоратчи аёл. 9. Қиз болалар исми. 10. Жабр, азоб. 11. Хинд кино юлдузи. 12. Қирғиз эпоси. 13. Хориж таоми русуми. 14. Кўчат. 15. Пардоз бўёви. 16. Сирлошиш. 17. Шаръий никоҳнинг бузилиши. 18. Номус, ҳаё. 19. Хориж қандолатчилик фирмаси. 20. Хомирли овқат. 21. Новий асари қахрамони. 22. «Го» маъносини билдирувчи қиз болалар исми. 23. Ошхона анжоми. 24. Хориж маргарини. 25. Уй жиҳози. 26. Халқ озаки ижоди. 27. Рўзгор жиҳози. 28. Муסיқий гурӯҳ. 29. Тимсол. 30. Ороллар. 31. Овқат тайёрланадиган жой. 32. Муқимий танқид қилган «техника». 33. Ҳимж. 34. Насрий асар ёзувчи аёл. 35. Белги. 36. Раққоса. 37. Ўзбекистон халқ артисти. 38. Қиз болалар исми. 39. Карашма, ишва.

40. Хиндистонлик эстрада юлдузи. 41. Танкис нарса. 42. Кун вақти. 43. Гул нави. 44. Суратқаш. 45. Газмол сотувчи. 46. Енгил араз. 47. Шириннинг антими.

**Энига:**

1. Биолог олима. 2. Меҳр ... 3. Қодирий асари қахрамони. 4. Пардоз ашёси. 5. Утган кунлар қахрамони. 6. Бадий асар. 7. Қимматбаҳо тош. 8. Асосан аёллар ўтказадиган диний маросим, бидъат. 9. «Вараклари йиртилган китоб». 10. 19-асрда яшаган ўзбек шоири. 11. Детектив асарлар муаллифи, Англиялик ёзувчи аёл. 12. Тарози, ўлчов. 13. Санъаткор аёл. 14. АҚШнинг 1 хоними. 15. Унга ишонма, усиз юрма. 16. Чоғлу асоби. 17. Яқин қариндош. 18. Хонимнинг ғарбча аталиши.

19. Навбат. 20. Муқаддас зот. 21. Сайилгача суриладиган аёл. 22. Пул сақланадиган муассаса. 23. «Қўлнинг қири». 24. Аёллар тақинчоғи. 25. Массажет қабиласидан чиққан афсонавий қахрамон аёл. 26. Ижобий хислат, қиз болалар исми. 27. Хиндистондаги дарё. 28. Танкис нарса. 29. Яса ниш, безаниш. 30. Тортиниш, ҳаё. 31. Қимматбаҳо тош. 32. Асосан аёллар ўтказадиган диний маросим, бидъат. 33. «Вараклари йиртилган китоб». 34. 19-асрда яшаган ўзбек шоири. 35. Детектив асарлар муаллифи, Англиялик ёзувчи аёл. 36. Тарози, ўлчов. 37. Санъаткор аёл. 38. АҚШнинг 1 хоними. 39. Унга ишонма, усиз юрма. 40. Чоғлу асоби. 41. Яқин қариндош. 42. Хонимнинг ғарбча аталиши.

Тузувчи: Х.НОМОЗОВ.

**Газетамизнинг ўтган сониди берилган кроссворд жавоблари:**

Энига: 1. Ваколат. 2. Конституция. 3. Ардус. 4. Товус. 5. Хукм. 6. Салидоп. 7. Этил. 8. Рассел. 9. Қолдик. 10. Олти. 11. Фидокор. 12. Илму. 13. Орган. 14. Дания. 15. Цивилизация. 16. Адвокат. Бўйига: 1. Аҳси. 2. Амур. 3. Кунун. 4. Химоя. 5. Исмоил. 6. Прокуратура. 7. Мустиқиллик. 8. Эҳтимол. 9. Материк. 10. Монопол. 11. Эълбурис. 12. Соҳиб. 13. Ҳадик. 14. Хатиб. 15. Ҳинд. 16. Сака.



Изоҳи Сиздан...

**Мустиқиллик ҳуқуқ демакдир**

**Хуқуқ**  
ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

**ТАЪСИСЧИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Кунун химоясида» журнали

**Манзил:** Тошкент шаҳри, академик Яхё Фуломов кўчаси, 66-ўй.  
**Телефонлар:** 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

**Бош муҳаррир:** Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОКОВ

**Тахрир ҳайъати:** Ботир Пўлатов, Дилшод Исмолов (масъул котиб), Мэлэ Наймов, Ориғжон Холматов, Лола Шомуртова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев.

Муаллифларнинг фикри тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Кўчириб босилганда «Хуқуқ»дан олинганлиғи кўрсатилши шарт.

«Хуқуқ» оригинал макети.

Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси - 41. Нусхаси - 22014. Буюртма Г-0230. Бичими А-3.

**Навбатчи:** Д.Халилов.

Сотувда эркин нарҳда.

Босишга топшириш вақти: 20.00  
Босмаҳонага топширилди: 19.00

**1 2 3 4 5 6**